ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/30.12.2019.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГМАТОВ ПАРДАБОЙ АБДУРАХИМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕЗЮРАР ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАЛАРИДА ЙЎЛ УСТКИ ҚУРИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ЕР ПОЛОТНОСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.02 – Темир йўллар ва йўл хўжалиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК 625.172:656.022.846

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Бегматов Пардабой Абдурахимович
Ўзбекистоннинг тезюрар темир йўл участкаларида йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкциясини такомиллаштириш..... 3

Бегматов Пардабой Абдурахимович
Совершенствование конструкции элементов верхнего строения пути и земляного полотна на скоростных участках железной дороги Узбекистана..... 21

Begmatov Pardaboy Abdurakhimovich
Improvement of the design of elements of the upper structure of the track and the subgrade on the speed sections of the railway of Uzbekistan 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.15/30.12.2019.T.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕГМАТОВ ПАРДАБОЙ АБДУРАХИМОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТЕЗЮРАР ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАЛАРИДА ЙЎЛ УСТКИ ҚУРИЛМАСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ЕР ПОЛОТНОСИ КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.08.02 – Темир йўллар ва йўл хўжалиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/T1208 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдужабаров Абдухамит Халилович** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Саржанов Тайжан Садиханович** техника фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)
	Досметов Султанбай Камалович техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**АЖ "Узоғирсаноатлойиҳа" институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz, tashiit@exat.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100167, Тошкент, Темирйўлчилар кўчаси 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66).

Диссертация автореферати 2021 йил «_____»_____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___»_____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.И. Адилходжаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Я.О. Рузметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

В.М. Цой
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тезюрар темир йўл участкаларида ҳаракатланувчи поездлар ҳаракати хавфсизлигини ошириш, йўлнинг устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкцияларига салбий таъсир этувчи омилларни камайтирувчи технология ва усулларни ишлаб чиқиш етакчи ўринни эгалламоқда. Ривожланган давлатлар, АҚШ, Германия, Франция, Япония, Хитой, Россия каби мамлакатларда магистрал темир йўл транспорти ва маҳаллий тармоқларида йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкцияларида юзага келувчи деформация ва нуқсонларни камайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан тезюрар темир йўл участкаларида поездлар ҳаракат тезликларини ошиб бориши ва ўққа тушадиган юкларни ошиши ҳамда йўл устки қурилмаси элементларининг янги конструкцияларни жорий этилиши билан ажралиб турувчи темир йўл эксплуатациясининг замонавий шарт-шароитларда ер полотносининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ошириш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда тезюрар темир йўлларнинг поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун йўлнинг устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкциясини тўғри танлаш, лойиҳалаш ва ҳисоблаш масалаларига, шунингдек мустаҳкамлиги юқори бўлган йўл устки қурилмаси элементларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ер полотносининг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ошириш усулларини такомиллаштириш; ер полотноси қияликлари устуворлигини таъминлашнинг янги усулларини яратиш; йўл устки қурилмаси асосий элементларининг хизмат муддатларини ошириш, йўлни соз ҳолатда сақлаб бориш ҳамда йўлларни таъмирлов ишлари ҳажмини камайтириш, йўл устки қурилмаси ва ер полотносида юзага келувчи деформация ва нуқсонларни камайтиришга қаратилган конструктив ечимларни ишлаб чиқиш назарий ва амалий тадқиқотларининг асосий зарур масалаларидан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Республикамизда темир йўл транспорти иншоотларини қуриш, улардан фойдаланиш йўналишида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...янги темир йўл магистралларини қуриш, ... йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузлмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ... темир йўлларни электрлаштириш даражасини ошириш, ...”[1] каби вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда тезюрар темир йўл участкаларда йўл

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

устки қурилмаси ва ер полотносида юзага келувчи зўриқиш ва деформацияларни аниқлаш, улардан фойдаланишда хизмат муддатини ошириш ва йўлни таъмирлов ишлари муддатини узайтиришга қаратилган конструктив ечимлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 1-февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5647 Фармони, 2018 йил 18 июлдаги ПҚ-3866-сон “Бухоро-Мискен темир йўл линияси хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика илм-фан ва технологияларини ривожлантириш бўйича II.«Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш» устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Тезюрар темир йўл участкаларда йўлнинг устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси контсрукциясини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар дунёдаги етакчи мамлакатларнинг бир қатор илмий марказлари, университетлари ва илмий-тадқиқот институтлари, жумладан: University of Texas at Austin (АҚШ), Петербург давлат темир йўллар университети (Россия), Россия транспорт университети (Россия), Темирйўл транспорти Илмий-тадқиқот институти (ВНИИЖТ), шунингдек Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Тезюрар темир йўл участкаларда ер полотноси ва йўлнинг устки қурилмаси элементларининг деформацияланувчанлик муаммолари бўйича, шу жумладан фойдаланишдаги темир йўлларни мустаҳкамлаш учун амалий фойдаланиш мақсадидаги тадқиқотлар қуйидаги олимлар томонидан олиб борилган: Е.С.Ашпиз, В.В.Виноградов, С.В.Амелин, Д.В.Волоцкий, А.Ф.Колос, С.Я.Луцкий, А.А.Цернант, В.Ф.Барабошин, Г.Г.Коншин, Г.Н. Жинкин, В.И. Грицик, И.В. Прокудин, С.П. Першин, Г.С. Переселенков. Темир йўл изларини лойиҳалаш ва ҳисоб-китоб қилиш ишларига В.Г.Альбрехт, Н.П.Виногоров, В.В.Ершов, А.В.Замуховский, В.Б.Каменский, А.Я.Коган, З.Л.Крейнис, Г.М Стоянович., О.А.Суслов, М.А.Фришман, Г.М.Шахунянц, Т.Г.Яковлева, Н.И.Карпущенко, В.С.Лисюклар катта ҳисса қўшишган. Темир йўл транспортида геотекстиль материалларни қўллаш самарадорлиги масалаларини Л.С.Блажко, М.В.Бушуев, А.В.Петряев ва бошқа олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мамлакатимизда темир йўллар ер полотносининг мустаҳкамлигини ошириш йўналишидаги тадқиқотлар, шунингдек, ҳам қурилаётган, ҳам

фойдаланилаётган темир йўллар йўл устки қурилмасининг ишончлилигини таъминлаш йўналишидаги тадқиқотлар билан Т.И.Фазилов, Р.С.Закиров, М.М.Мирахмедов, А.Х.Абдужабаров, С.Т.Джаббаров, А.Н.Овчинников, А.Ф.Расулев, К.С.Лесов, С.К.Досметов, С.С.Ниязбеков, М.К.Музаффарова, Ш.Ш.Абдукамилов, А.М.Абдукаримов, З.Э.Мирсалихов, А.Ю. Мамадалиев, Х.К.Умаров ва бошқалар шуғулланишган.

Маҳаллий ва ҳорижий амалиётдан келиб чиқиб, йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкциялари ишлаш шароити ва мустаҳкамлик шароитига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг олдини олиш бўйича бажарилган илмий тадқиқотларда тўлиқ кўриб чиқилмаган. Тезюрар темир йўл участкаларда йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкциясиларида юзага келувчи зўриқиш ва деформацияларни камайтириш бўйича бажарилган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан ўзаро боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтининг (2017-2019) № ЁБВ-Атех-2018-(28+26) ёш олимлари давлат гранти режасига киритилган лойиҳа доирасида «Темирйўл изларининг инфратузилмаси элементларини такомиллаштириш бўйича лойиҳавий-техник қарорларни ишлаб чиқиш» мавзуси бўйича бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистоннинг тезюрар темир йўл участкаларида йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотносида юзага келувчи зўриқишларни камайтиришга қаратилган конструктив-техник ечимларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йўлнинг устки қурилмаси ва ер полотноси деформациясини табиий тадқиқотлар билан поездларнинг тезюрар ҳаракати вақтидаги ушбу деформацияларнинг сабабларини аниқлаш;

йўлнинг устки қурилмаси ва ер полотносининг поездларнинг тезюрар ҳаракати вақтида юзага келувчи деформацияларни камайтириш ва йўлнинг таъмирлараро муддатларни ошириш имконини берувчи конструктив ечимларни ишлаб чиқиш;

балласт призмасини ҳисоблашнинг мавжуд назарий ишланмалари асосида, поездларнинг тезюрар ҳаракатида унинг ер полотносига таъсир кўрсатиш даражасини аниқ ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

поездларнинг тезюрар ҳаракати вақтида ортиб борадиган горизонтал ва вертикал юкламаларга қаршилиги юқори бўлган темирбетон шпаллар ва рельс ости прокладкалари конструкцияларини такомиллаштириш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг тезюрар темирйўл участкаларида мавжуд темирйўл изининг йўл устки қурилмаси ва ер полотноси олинган.

Тадқиқот предмети сифатида темирбетон шпаллар конструкцияси, фторопласт рельсости прокладкаси, турли гран-таркибларга эга бўлган

балласт призмаси, шунингдек ер полотноси ўйма ва кўтармаларининг конструкциялари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида рельс ости прокладкаларини ишқаланиш коэффициентини аниқлашнинг стандартлаштирилган услублари, шунингдек тажриба натижаларига ишлов беришнинг математика-статистика усуллари, Гук қонуни, Кулон қонунлари, дифференциал ва интеграл ифодалар ҳисобларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тезюрар темир йўлларнинг кўтарилиш, тушиш ва эгри участкалари учун йўлни бўйлама ва кўндаланг силжишга қаршилигини ошириш мақсадида қабариқ таянч юзали темирбетон шпаллар конструкцияси яратилган ва амалда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

рельсга ташқи куч таъсирини ҳисобга олган ҳолда уни бўйлама силжишга қаршилигини ошириш учун тажриба-тадқиқот асосида фторопластдан тайёрланган рельс ости прокладкасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланган ва илмий асосланган;

тезюрар темир йўл участкаларда ҳаракатдаги таркиб учун йўл устки қурилмаси ва ер полотносига узатиладиган таъсирлар асосида амплитуда-частотали тавсифларнинг математик модели ишлаб чиқилган;

поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун тезюрар темир йўл участкаларининг асоси заиф грунтлардан иборат бўлган кўтармаларни темирбетон қозиқлар билан мустаҳкамлаш асосида янги конструктив ечимларини ҳисоб модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тезюрар темир йўл участкаларда рельсларнинг силжишга қаршилигини ошириш ва йўлнинг таъмирлараро муддатини узайтириш мақсадида фторопластдан тайёрланган рельс ости прокладкаси таклиф этилган;

тезюрар темир йўл участкалари кўтарилиш ва тушиш участкаларида силжишга қаршилиги юқори бўлган қабариқ таянч юзали темирбетон шпала конструкцияси ишлаб чиқилган;

тезюрар темир йўл участкалари ер полотноси кўтармаларини темирбетон қозиқлар билан мустаҳкамлашнинг ҳисоблаш алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, улар тадқиқотнинг замонавий усуллари ва услубларидан фойдаланилган ҳолда олиб борилганлиги, математик статика қонунларига асосланган назарий тадқиқотлар амалга оширилганлиги, темир йўл изининг йўл устки қурилмаси ва ер полотноси ишлари бўйича назарий ҳисоб маълумотларининг дала шароитларида ўтказилган тадқиқотлар, таклиф ва тавсияларнинг моделли тажрибалари билан юқори даражада мос келганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йўл устки қурилмаси элементларининг ва ер полотносининг конструкцияларини такомиллаштирилишида янгича

ёндошувнинг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек ушбу конструкцияларни таҳлилий ечимлар ва экспериментал формулалар ёрдамида ҳисоблаш усулларини қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти поездларнинг тезюрар темир йўл участкаларида йўл устки қурилмалари, хусусан темирбетон шпаллар, рельс ости прокладкаси, балласт қатлами ва ер полотноси конструкцияларини такомиллаштириш орқали уларда юзага келувчи зўриқиш ва деформацияларни камайтириш, шунингдек йўлнинг таъмирлараро муддатларини қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиш: Ўзбекистон темир йўлларининг тезюрар участкаларида йўл устки қурилмаси ва ер полотноси элементларини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

Тошкент темир йўл масофаси (ПЧ-2) ҳудудидаги синов стендида фторопластдан тайёрланган рельс ости прокладкаларининг ишқаланиш коэффициенти юқорилиги аниқланган ва “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Йўл хўжалиги бошқармаси” корхонасида жорий қилинган ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 2021 йил 15 июндаги 01/2177-21-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси асосида фторопласт прокладкасининг резинали прокладкага нисбатан силжишга қаршилиги 43% кўплигини аниқлаш имконини берган;

тезюрар темир йўл участкаларининг кўтарилиш ва тушиш участкаларда ҳаракатдаги таркибнинг тормозланишидан силжиш деформацияларини камайтирувчи қабариқ таянч юзали темирбетон шпаллар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги “Йўл хўжалиги бошқармаси” корхонасида жорий қилиш учун қабул қилинган ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 2021 йил 15 июндаги 01/2177-21-сон маълумотномаси). Натижада шпал таянчининг қабариқ қисми юкларни балласт призмасига ўтказиш бурчагини оширади, бу ундаги зўриқишни камайтириш, яъни ер полносидаги грунтнинг сиқилиш қатлами камайиши натижасида ер полотносидаги зўриқишни камайтириш имконини беради;

ишлаб чиқилган ер полотноси кўтармасининг темирбетон қозиқлар билан мустаҳкамлаш усули “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ нинг “Бухоро-Мискен” темир йўл линиясида жорий қилиш учун қабул қилинган ("Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг 2021 йил 15 июндаги 01/2177-21-сон маълумотномаси). Мазкур конструктив ечим ер полотноси грунтидаги зўриқишларнинг бир текисда тақсимланишига ва вертикал таркибий қисмларнинг бир қисмини асос грунтига ўтишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Мазкур илмий тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-тадқиқот анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан 2 та мақола SCOPUS базасида

индексацияланадиган журналларда, 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда, шундан 3 таси хорижий ва 3 та маҳаллий журналларда чоп этилган, шунингдек ЭҲМ дастури учун 2 та гувоҳнома мавжуд.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 варақдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида диссертацияда ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республикаси фан ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тезюрар ҳаракат шароитида йўл устки қурилмаси конструкцияси ва ер полотносининг деформацияланувчанлигини ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи бобида йўл устки қурилмаси элементлари конструкцияси ва унинг таркибий қисмлари, шу билан бирга ер полотносининг мустаҳкамлик хоссалари ва унинг бу хоссаларига таъсир этувчи омиллар юзасидан йиллар мобайнида ўрганилган кўп сонли тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Ҳозирги вақтда бутун дунё тезюрар темир йўл участкаларида поездларнинг белгиланган тезлик билан ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкцияларига ўзгартиришлар киритилиб келинмоқда. Бу ўзгаришлар чоксиз излардан, термик усул билан мустаҳкамланган рельслардан, темирбетон шпалалардан, янги конструкцияли бириктиргичлардан, ер полотносини геоматериаллар орқали мустаҳкамлаш билан, ҳамда рельсости асосга тегишли қисмлардан кенг кўламда фойдаланиш билан боғлиқ. Бу конструктив ўзгаришларнинг барчаси йўлнинг иш шароитларига, уни соз ҳолатда сақлаш ва таъмирлаш усуллари ва улар билан боғлиқ моддий ва меҳнат сарфларига ўз таъсирини кўрсатади. Темир йўлларни тезюрар темир йўл участкалари учун қайта қуришда, йўлнинг ҳар қандай элементи конструкциясини ўзгариши барча элементларининг иш шароитларига таъсир этади.

“Йўл устки қурилмасини табиий шароитда тадқиқ этиш” деб номланган иккинчи бобда Тошкент темирйўл масофаси (ПЧ-2) ҳудудида жойлашган махсус синов стендида рельс таглигининг рельсларни бўйлама силжитиш рельс ости прокладкаси бўйича сирпанишининг ишқаланиш коэффициенти таъсирини аниқлаш бўйича тажриба ўтказилди.Синов стендига хозирги кундаги фойдаланилаётган резинали прокладка ва

фторопласт рельс ости прокладкалар ўрнатилиб, уларга таранглаш дастгохи ёрдамида куч таъсир эттирилиб, рельсларни бўйлама силжитиш орқали прокладкаларни силжишга қаршилиги аниқланди.

Ўтказилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги ифода бўйича ишқаланиш коэффициенти аниқланди:

$$\mu_{\text{рез.прокладка}} = \frac{F_1}{\sum P} \quad (1)$$

$$\mu_{\text{фтор.прокладка}} = \frac{F_2}{\sum P} \quad (2)$$

бунда F_1, F_2 – рельсни силжитувчи куч, кН; $\sum P$ – рельс маҳкамлагичларни сиқувчи куч ва рельс оғирлигининг йиғиндиси, кН.

Юқоридаги ифодалардаги ҳисобларга кўра, рельсости прокладкаларидан ишқаланиш коэффициенти μ=0,16 га тенг бўлди, фторопластдан тайёрланган рельс ости прокладкаларидан эса ишқаланиш коэффициенти μ=0,28 ни ташкил этди. Яъни, $\mu_{\text{фтор. прокладка}} > \mu_{\text{рез. прокладка}}$



1-расм. Рельсга бир хил куч таъсир этганида резинали ва фторопластли прокладкалар силжишининг солиштирма графиги: 1 – резинали рельсости прокладкаси, 2 – фторопластдан тайёрланган рельсости прокладкаси.

Фторопластдан тайёрланган рельс ости прокладкаси, юқори даражада сиқилиш (12,9МПа) ва чўзилишга (14,0 – 25,0МПа) чидамли бўлиб, ўзида сувни сингдирмайди, бу конструкциянинг нормал ишлашини таъминлайди. Фторопластнинг эриш ҳарорати $t=327^0C$, ишлаш ҳарорати эса $t=-120^0C$ бўлиб, бу ҳар қандай об-ҳаво шароитларида рельс ости прокладкасини ишончли ишлатиш имконини беради. Вибрацияли тебранишларни полимер композитлигидан кўра яхшироқ: паст частотали тебранишларни 5 баробар, юқори частотали тебранишларни 10 баробар камайтириши аниқланди.

Диссертациянинг **“Тезюрар ҳаракатни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон шароитида йўл устки қурилмасини тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобида темирбетон шпала конструкциясига ўзгартириш киритиш таклиф этилган ва балласт призманинг турли хил гран-таркибли конструкцияси ишлаб чиқилган ва ушбу конструкцияларнинг хисоб-китоблари формулалар ёрдамида асослаб берилган.



2-расм. Балласт призмаси ва қабариқ таянч юзали темирбетон шпаланинг конструкцияси: 1– темирбетон шпала; 2 – шпала қовурғалари; 3–10% га битум билан тўйинтирилган ўрта йирикликдаги қум; 4 – геотекстил қатлам; 5 – таркибида 20% ўрта

йирикликдаги қум бўладиган шебен; 6 –ер полотноси; 7 –фторопластли рельс ости прокладкаси.

Тавсия қилинаётган қабариқ таянч юзали темирбетон шпала йўлнинг эгри участкаларида марказдан қочирма кучларга қаршиликни ортишига хамда кўтарилиш ва тушиш участкаларида харакатдаги таркибнинг тормозланиши натижасида содир бўлувчи йўлнинг бўйлама силжишини камайтиришга имкон яратади.



3-расм. Қабариқ таянч юзали темирбетон шпалнинг зўриқиш эпюраси:1 – қабариқ таянч юзали шпал; 2 – балласт призмаси; 3 – рельс; 4 – ер полотноси.

Темир йўл балласт призмаси кўпқатламли структура ҳисобланади. Кўп қатламли грунт структураларини мустаҳкамликка ҳисоблашларни икки қатламликка келтириб, ЙўлИТИ (ДорНИИ) таклиф этган кўпқатламли грунт қопламаларини ҳисоблаш усулидан фойдаланган ҳолда деформациянинг эквивалент модулини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$E_{экв} = \frac{E_{i-1}}{1-\frac{2}{3}\left(1-\frac{1}{h^{3.5}}\right)arctg\,\frac{h}{Д}n}; \quad (3)$$

$$n = \sqrt[2.5]{\frac{E_i}{E_{i-1}}}, \quad (4)$$

бунда E_{i-1} – яримфазонинг юқори қатламининг деформация модули; E_i – яримфазонинг қуйи қатламининг деформация модули; h –шпала қалинлиги; Д – шпалани балласт қатламига таяниш доирасининг шартли диаметри.

(3),(4) ифодалар бўйича балласт призмасининг жойлашиш чуқурлигига асосан ҳисоблаб топилган грунтнинг умумий деформацияланувчанлигининг эквивалент модулини ўзгариш графиги 4-расмда келтирилган.



4-расм. Балласт призмасининг жойланиш чуқурлигига кўра эквивалент модулини ўзгариш графиги: 1 - геотекстилсиз балласт призмаси; 2 - геотекстилли балласт призмаси; Н - балласт призмаси қатламининг баландлиги.

Тезюрар темир йўл участкаларида темирбетон шпалали темирйўл устки қурилмасининг зўриққан-деформацияланган ҳолатлари ўрганилди. Балласт призмасининг горизонтал сурилишларига эластиклик модулларининг таъсири кўриб чиқилди. Моделлаштириш деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси масаласини ечимига мосланган ҳолда чекли элементлар услубига асосланган.

Магистрал темир йўлнинг тўғри чизиқли участкасининг кўндаланг кесими шпала, балласт қатлами ва кўтарма асосини бир қисмидан иборат. Турли хил шпалалар ётқизилган магистрал темирйўл устки қурилмасининг зўриққан-деформацияланган ҳолатини ҳисоблаш ишлари амалга оширилди. Модификациялашган темирбетонли сирти силлиқ ва ботиқ бўлган икки хил шпалаларни кўриб чиқамиз.

Шпала эластиклик модули $E_0 = 60$ МПа ва $\nu = 0{,}35$ тенг шебен қатлами устига ётқизилган. Йўл устки қисми ёнбағирларининг нишаблиги $k = 1{:}\,1{,}5$. Кўтарма асосининг шакли ён томонларини нишаблиги $k = 1{:}\,2$ тенг трапеция кўринишида бўлади.

Оралиқ бирикма рельс ости прокладканинг кенглигига тенг 0,15м узунликдаги майдончаларда симметрия ўқидан ±0,8 м масофада ётган шпалага рельс ҳамда бириктиргичлар орқали ғилдирак жуфти таъсирини ўхшатувчи ўзгармас интенсивлиги q га тенг тақсимланган юк қўйилади. Ҳисоблашларда рельсга Q=120 кН=0,12 МН куч билан ғилдирак таъсир этмоқда деб қабул қилинади. Ушбу юкни оралиқ бирикма рельс ости прокладкаси майдони бўйича тақсимлаб босимнинг қуйидаги қийматини топамиз:

$$q = \frac{0{,}12\ MH}{0{,}15\text{м}0{,}25\text{м}} = 2{,}7\ \text{Мпа} \qquad (5)$$

Экспериментал маълумотларни ишлаб чиқиш натижасида шебенли балласт таянч қисмини ботиқ шпаланинг ҳамда фторопалстли рельс ости прокладкасининг силжишига квазистатик қаршилик кучини сурилиш ва вертикал юк миқдорига боғлиқлиги топилган.

$$F = (a + b\nu)\sqrt[5]{\Delta}\, f\ d, \qquad (6)$$

бунда F – балласт қаршилигини квазистатик ташкил этувчисининг қиймати, кН; ν – шпалага тушадиган вертикал юк, кН; Δ – шпалани ташқи кучлар таъсири остида силжиши, мм; a, b – балластнинг тури ва ҳолатини ҳисобга олувчи коэффициентлар; f – геотекстилли қистирмани балластнинг мустаҳкамланишига таъсир этишини ҳисобга олувчи коэффициент, (f=1,1); d – шпала таянч қисмининг ботиқлигини ҳисобга олувчи коэффициент, (d=1,05).

Коэффициент a балластни шпаланинг учлари ва ён деворлари бўйича қаршилигини, b коэффициент эса вертикал юк миқдорига боғлиқ бўлган қаршиликни ифодалайди.

Силжишларнинг кичик қийматлари доирасида даражали боғлиқликнинг катта қиялиги ушбу (6) эмпирик формулада ўзгармас ташкил этувчидан фойдаланмасликка имкон беради. Балластнинг ёпишқоқлик хусусиятлари тўлиқ қаршилик $R_б$ учун ифодага квазистик ҳадидан ташқари шпалани силжиш тезлигининг биринчи даражасига мутаносиб қўшувчини киритиш орқали ҳисобга олинди.

$$R_б = F + K_б\, \dot{y}\, e\ , \qquad (7)$$

бунда $K_б$ – қиймати вертикал юкка боғлиқ бўлган балластдаги ёпишқоқ ишқаланиш коэффициенти; $\dot{y}$ – шпалани силжиш миқдори, мм; е – балласт

ёпишқоқлигини фторопластдан ишланган рельс ости прокладакасидан фойдаланиш натижасида ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент (е=1,2).



5-расм. Шпаланинг қолдиқ силжишини кўндаланг сурилишнинг максимал қийматига боғлиқлиги.

Оқувчанликка эришилгандан сўнг шпала пластик силжий бошлайди, бундай силжиш эса қаршилик кучларини оширмайди. Шебен ва майдаланган тошдан қурилган балласт призмаларида қолдиқ силжиш миқдори $\delta_т$ шпалаларнинг энг катта силжишларига боғлиқ бўлиб, қуйидаги ифодадан топилади (5-расм):

$$\delta_т = \begin{cases} 0, \text{учун } |\max(y_n - y_{on})| \le 0{,}3 \text{ мм} \\ 0{,}35\,[\max(y_n - y_{on}) - 0{,}3\, sign \max(y_n - y_{on})] \text{ учун } 0{,}3\Delta|\max(y_n - y_{on})| \le 2 \text{ мм}, \\ \max(y_n - y_{on}) - 0{,}9\, sign \max(y_n - y_{on}), \text{учун } 1\Delta\, |\max(y_n - y_{on})| \end{cases} \quad (8)$$

бунда y_{on} – шпала силжишлари ўлчанадиган бошланғич нуқта, мм; y_n – юкланишнинг айнан шу n-циклида шпалани нўлинчи ҳолатига нисбатан силжиш миқдори; $\max(y_n - y_{on})$ – максимал силжиш, яъни n-циклдаги силжиш амплитудаси.

Суриш кучи камайганда шпала балластнинг қаршилик кучини эластик ташкил этувчисининг таъсири остида бошланғич ҳолатдан бошқа – $\delta_т$ га фарқ қилувчи ҳолатга қайтади. Шпаланинг дастлабки ҳолати y_{on} бўлган, шунда юкланишнинг n+1 цикли бошланишида балластнинг қаршилик кучини аниқлаш учун янги саноқ боши қуйидагига тенг бўлади:

$$y_{on+1} = y_{on} + \delta_т. \quad (9)$$

Балластни (n+1)-циклдаги юкланишда қаршилик кучи тенг:

$$F^{т}_{n+1} = (a + bv)\sqrt[5]{y - y_{on+1}}\,, \quad (10)$$

бунда индекс (+) шпаланинг силжиш қийматига, яъни қуйидаги шарт бажарилишига мос бўлади:

$$sign(y - y_{on-1}) = sign\, \dot{y};$$

Юкланишдан бўшатиш жараёнининг ўзига хослиги қайтарувчи куч миқдорини кескин камайиб кетишидадир. Шундан кейин қайтарувчи куч қийматини силжишга боғлиқлик эгри чизиғи абсцисса ўқини y_{on+1} нуқтасида кесиб ўтувчи нишаби камроқ бўлган чизиққа айланиб қолади (6-расмга қаранг).

Балласт кучлари ва шпаланинг силжиши орасидаги боғланишни квазистик ташкил этувчиси ташқи таъсир миқдори камайганида қуйидагига тенг:

$$F_n = (a + bv)\sqrt[5]{\frac{max\ y_n - y_{on}}{max\ y_n + y_{on}}}\,(\sqrt[5]{max\, y_n - y_{on}} - \sqrt[5]{max\, y_n - y}); \quad (11)$$

бунда F_n – балластни билан шпаланинг орасидаги боғланиш кучларини n-

циклда мувозанат ҳолати (sign y ≠ sign(y-y_{on}) томон ҳаракатланишидаги квазистик ташкил этувчиси; max y_n – шпаланинг юкланиш циклидаги максимал силжиш миқдори; y_{on} – юкланиш цикли бошида шпаланинг координатаси; y_{on}= y_{on}+ $\delta_т$ – циклдаги разгрузка чизиғини абсцисса ўқи билан кесишган нуқтаси.



6-расм. Шпалани цикллар бўйича юкланишида куч–сурилиш эгри чизиқларнинг ўзига хосликлари (вертикал юкланиш 27 кН).

Балласт энергиясини сочилиб тарқалиши юкланиш ва юкланишдан бўшатиш орасидаги боғланишларнинг ночизғий характерга эгалиги оқибатидир бу ютиш (сингиш) коэффициенти билан белгиланади:

$$\psi = \frac{\Delta W}{W}, \qquad (12)$$

бунда ΔW – битта цикл давомида сингдириладиган энергиянинг бир қисми; W –циклдаги деформация амплитудасига жавобгар бўлган шу циклнинг потенциал энергияси.

Шебенли балластнинг қарор топган ҳолати учун экспериментлар натижаларини ишлаб чиқилиши қуйидаги коэффициентларни аниқлашга имкон берди:

a=9, b=0,6.

Шебенли балластдаги шпаланинг вертикал ва горизонтал юклар таъсири остида силжишига қаршилик кучини эмпирик ҳисоблаш формуласи эса қуйидагига тенг:

$$F = (9 + 0{,}6\sqrt[5]{\Delta}\ . \qquad (13)$$

Полигонда олиб борилган тажрибаларда олинган маълумотларини ишлаш натижасида аниқланган суриш кучининг катталигини вертикал юкка боғлиқлиги 7-расмда кўрсатилган.

7-расмда эмпирик боғланишнинг экспериментал маълумотлар билан бир-бирига етарли даражада тўғри келиши кўрсатилган, бу илмий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ишончлилигини билдиради.



7-расм. Суриш кучининг катталиги ν ни вертикал юкка боғлиқлиги: 1– ν=20 кН; 2– ν=40 кН; 3– ν=60 кН;

Диссертациянинг “**Тезюрар ҳаракатда ер полотносининг конструктив хусусиятлари ва уларни ҳисоблаш”** деб номланган тўртинчи бобида ер полотносини темирбетон қозиқлар ёрдамида мустаҳкамлаш, тезюрар ҳаракатни ҳисобга олган ҳолда ер полотноси конструкциясини ҳисоблаш ва геотекстил билан арматураланган катта қияликка эга ер полотносининг конструкцияси, шунингдек диссертация ишида кўриб чиқилган ва таклиф этилган конструктив ечимларни техник-иқтисодий баҳолаш келтирилган.

Турли хил грунтлардан ташкил топган ва баландлиги Н=10м бўлган ер полотноси ҳолатини аниқлаш бўйича амалга оширилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳаракатдаги таркибнинг юқори тезлик билан ҳаракатланишида вужудга келадиган юқори зўриқиш зонасини аниқлашга имкон берди. Бундан шу хавфли зонани мустаҳкамлаш ёки ер полотноси бўйлаб зўриқишни равон тақсимлай оладиган қўшимча конструкцияни яратиш зарур ва бу участкада поездларни ҳаракат тезлигини оширишга ҳамда хавфсизлигини таъминлашга имкон яратади.

Ер полотносини кучайтириш учун темирбетон қозиқлардан иборат конструкция ишлаб чиқилди – 8-расм. Поездларнинг тезюрар ҳаракатланиши жараёнида ҳаракатдаги таркиб таъсири натижасида тебратувчи кучлар вужудга келади ва сейсмик тавсифларга ўхшаш амплитуда-частотали тавсифлар ҳосил бўлади. Экспериментал йўл билан моделларда поездларни бир из бўйлаб ҳаракатланишидаги темирбетон қозиқлар орасидаги масофалар аниқланди:

$$L = \frac{b^2 K'}{H\, tg\varphi} + htg\alpha\,, \qquad (14)$$

бунда b – ер полотноси кенглиги, м; K′ – поездларнинг ҳаракат тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент; Н – кўтарма баландлиги, м; φ_d – грунтлар хусусиятини ҳисобга олувчи динамик коэффициент; h –темирбетон қозиқлар узунлиги, м; α – темирбетон қозиқларни қиялик бурчаклари, α = $20^o \div 40^o$ оралиғида қабул қилинган.



8-расм. Ер полотноси кесими бўйлаб энг катта зўриқишлар эпюралари ва темирбетон қозиқларнинг жойлашиши: σ_z – ҳаракатдаги таркибнинг юқори тезлик билан ҳаракатланишидан юзага келувчи зўриқиш; 1 – балласт призмаси; 2 – ер полотноси; 3 – ер полотноси асоси; 4 – ер полотносида энг катта зўриқишлар зонаси; 5 – ер полотносини кучайтириш учун темирбетон қозиқлар; 6 – темирбетон шпалалар

Бурчак остида қоқилган темирбетон қозиқлар ер полотноси грунтида зўриқишларни равон тақсимланишига ҳамда вертикал ташкил этувчиларни асос грунтига узатишга ёрдам беради ва бу ер полотносининг поездлар юқори тезликда ҳаракатидаги ҳаракатланувчи таркиб таъсирига қарши

умумий чидамлилигини таъминлаб бериши аниқланди. Ер полотноси ҳамда йўл устки қурилмасининг амплитуда-частотали тавсифларини ўлчашлари иншоотдаги динамик бикирликни ошганини кўрсатди, бу эса темирбетон қозиқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини тасдиқлайди.

Ер полотноси кўтармаларини ҳисоблашнинг асосий босқичида ҳажмий зўриқишларни ва уринма зўриқишларнинг интенсивлигини ҳисоблаш ишлари уларнинг максимал қийматларига тўғри келувчи юзаларни аниқлаш билан биргаликда бажарилди.

Бизнинг ҳисоблаш моделимизда йўлларнинг устки қурилмаси саккизта тугунга эга ясси тўғрибурчакли элементлар кўринишида берилган. Элементлар кўтарманинг баландлигига қараб чегаравий шартлари чизиқли қонун бўйича ўзгариб боради ва Гукнинг умумлаштирилган қонуни билан ифодалаймиз:

$$\bar{\sigma} = (\text{Д}\,\bar{\varepsilon}\,)\text{к}, \tag{15}$$

бунда $\bar{\sigma}$ – зўриқиш компонентлари, $\bar{\varepsilon}$ – деформация компоненталари, Д – эластиклик матрицаси, к – эластиклик коэффициенти:

$$\text{к} = \text{к}_{\text{з}}\text{к}_{\text{д}},$$

бунда $\text{к}_{\text{з}}$ – тезюрар ҳаракат ҳисобга олинадиган барқарорлик захираси коэффициенти; $\text{к}_{\text{д}}$ – ер полотноси кўтармасининг хусусий тебранишлари частотасига кўра қабул қилинадиган динамиклик коэффициенти.

$$\text{Д} = \left[d_{ij}\right], \quad (ij\text{=1, 2, 3}),$$

$$\bar{\sigma} = \left\{\sigma_x, \sigma_{y,} \tau_{xy}\right\}^{\text{T}}; \qquad \varepsilon = \left\{\varepsilon_x, \varepsilon_{y,} \varepsilon_{xy}\right\}^{\text{T}}.$$

Эластиклик ясси масалаларининг зўриққан ҳолатини аниқлаш алгоритмини таърифлаб берамиз. ЧЭУ га мувофиқ тарзда ўрганилаётган ҳисоблаш соҳаси юқори тартибли тўртбурчакли квадратик элементларга ажратилади. Ҳар бир элемент чегарасида грунт материали бир хил бўлади.

Ўзаро шакл нисбатини аниқлаб берувчи функциялар қуйидаги кўринишга эга:

$$\left.\begin{aligned} h_1 &= -0{,}25(-\xi)(1-q)(\xi-q+1) \\ h_2 &= 0{,}5(1-q^2)(1-\xi) \\ h_2 &= -0{,}25(1-\xi)(1-q)(\xi-q+1) \\ h_4 &= 0{,}5(1-\xi)(1-q) \\ h_5 &= 0{,}25(1+\xi)(1-q)(\xi-q-1) \\ h_6 &= 0{,}5(1-q^2)(1+\xi) \\ h_7 &= 0{,}25(1+\xi)(1+q)(\xi+q-1) \\ h_8 &= 0{,}5(1-\xi^2)(1+q) \end{aligned}\right\} \tag{16}$$

Элемент чегарасидаги кўчишларнинг функциялари қуйидаги формула бўйича аниқлаймиз:

$$u = \sum_{i=1}^{q} h_i u_i v = \sum_{i=1}^{q} h_i v_i, \tag{17}$$

бунда u,v – ихтиёрий нуқтанинг кўчиши; $h_i u_i i$ – 1,8-узелларнинг силжиши q.

[К] тизимларнинг матрицаси бикирлик матрицасининг ҳамма элементлари бўйича жамлаш йўли билан ҳосил қилинди, яъни

$$[К] = \sum_{i=1}[K_i^e] \quad (18)$$

Агар [К] тизимнинг бикирлик матрицаси маълум бўлса, узел кучларини узеллар кўчиши билан боғловчи алгебраик тенгламаларнинг асосий тизими осонгина келиб чиқади

$$[K] = \{v\} = \{F\}, \quad (19)$$

бунда v, F – ҳамма узеллардаги тегишлича кўчиш ва куч векторлари.



9-расм. Поездларнинг тезюрар ҳаракатида ер полотноси кўтармасидаги зўриқишнинг ўсишини кўтарма баландлигига боғлиқлиги: 1 – экспериментал маълумотлар; 2 – назарий ҳисоб-китоблар; А – поездларнинг ҳаракат тезлиги 160-180 км/с гача бўлганда; Б – поездларнинг ҳаракат тезлиги 100-120 км/с гача бўлганда.



10-расм. Поездларнинг тезюрар ҳаракатида ер полотноси кўтармасидаги зўриқишни унинг кенглигига боғлиқлиги: 1 – экспериментал маълумотлар; 2 – назарий ҳисоблашлар; А - поездларнинг ҳаракат тезлиги 160-180 км/с гача бўлганда; Б – поездларнинг ҳаракат тезлиги 100-120 км/с гача бўлганда.



11-расм. Ўйма ёнбағирларида зўрииқишни чуқурлигига боғлиқлиги: 1 – экспериментал маълумотлар; 2 – поездларнинг тезюрар ҳаракатида назарий ҳисоблашлар; А – поездларнинг ҳаракат тезлиги 160-180 км/с гача бўлганда; Б – поездларнинг ҳаракат тезлиги 100-120 км/с гача бўлганда.

Экспериментал тадқиқотлар билан назарий ҳисоблашлар поездларнинг тезюрар ҳаракати 160-180 км/с оралиғида бўлганида, грунтлар зичлиги ўртача ва грунт сувлари сатҳи паст бўлганда ер полотноси кўтармасининг

кенглиги ва баландлиги, ҳамда ўйманинг кенглиги ва чуқурлигига қараб улардаги зўриқишларни аниқлашга имкон берди (9-11- расмлар).

Балласт призмаси учун икки қатламдан иборат геотекстилли арматуралаш тавсия этилган бўлиб, бунда шпала билан майдаланган шебен бир-бирига тегиб туриш майдонини ошириш учун икки қатламдан иборат ҳар хил катталикдаги майдаланган шебен таклиф этилди, бунда шпалаларни горизонтал силжишга қаршилиги ошиб, майдаланган тошдаги зўриқишларнинг концентрацияси камаяди – (12- расм). Ушбу қатламлар орасида жойлаштириладиган геотекстил қатлами зўриқишларни қуйи қатлам – ер полотносига узатиш майдонини кенгайтиради, натижада сиқиладиган қатламни қисқартирилиши орқали, ер полотносининг вертикал чўкиши 15-20% кам бўлиши аниқланди.



12-расм. Геотекстилли балласт призмаси 1 – шпала; 2 – геотекстил; 3 – майда бўлакланган шебен қатлами; 4 – йирик бўлакланган шебен қатлами; 5 – ер полотноси.



13-расм. Ер полотноси ўймасининг конструкцияси. 1 – геотекстил билан арматураланган; 2 – зичлаштирилган асос.

Поездларнинг тезюрар ҳаракати жараёнида ўйма ёнбағирларининг қиялигини эҳтимолий сейсмик таъсирларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги экспериментал йўл билан ишлаб чиқилган ифода орқали аниқланди:

$$m_{\text{ск}} = m_0 + \frac{0{,}6\,\varphi_d\,K_c\,K_1}{L+m_0 h}, \qquad (19)$$

Поездларни тезюрар ҳаракатида ва сейсмик кучларни таъсир этиш эхтимоли бўлган ҳолатларда, талаб даражасига қадар зичланган грунтни арматураланишини ҳисобга олиб, ер полотноси кўтармаси ёнбағри узунлигининг горизонтал қўйилиши (m_{ca}) ни ҳисоблаш учун қуйидаги эмпирик ифода орқали аниқланади:

$$m_{ca} = m_0 + \frac{K_c \varphi_d}{B_0+2m_0 H}, \qquad (20)$$

Илмий ишнинг техник-иқтисодий самарадорлиги Тошкент темир йўл масофаси (ПЧ2) тезюрар поездлар ҳаракатланувчи участкада 40 км бўлган масофада BF-70 шпаллари ётқизилган бўлиб, ҳисоблар айнан шу 40 км масофадаги рельс ости прокладкаларга бажарилган. Бунда йўлни капитал таъмирлашдан кейинги капитал таъмирлаш оралиғида бажариладиган кўтарма ва ўрта таъмирлаш, шунингдек жорий таъмирлаш ишларини бажаришга кетадиган меҳнат ва материал сарфини 542,038 млн. сўмга тежаш имконини берган.

ХУЛОСА

“Ўзбекистоннинг тезюрар темир йўл участкаларида йўл устки қурилмаси элементлари ва ер полотноси конструкцияларини

такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар келтирилган:

1. Ўзбекистоннинг мавжуд темир йўл участкаларини таъмирлаш зарурати ва йўлдаги шикастланишларнинг кўп йиллик тадқиқот натижаларидан фойдаланган ҳолда (йўл масофаларида юритиладиган журналлардан олинган маълумотларга асосан) ўрганишлар асосида уларнинг юзага келиш сабаблари аниқланган.

2. Тезюрар поездлар ҳаракатида юзага келувчи тебранишларни ҳосил қилишга имкон берувчи сейсмик платформада амалга ошириладиган вибрацион таъсирни йўл устки қурилмаси ва ер полотносини тадқиқ этиш мақсадида моделли ва табиий экспериментлар методикаси ишлаб чиқилган.

3. Фторопласт рельс ости прокладкасининг синов стенди ёрдамида силжишга қаршилиги резинали рельс ости прокладкасига нисбатан юқорилиги аниқланди, бу кўрсаткич орқали рельсларни ўз ўрнидан қочишини олдини олиш ва фторопласт рельс ости прокладкасининг мустаҳкамлиги юқори бўлганлиги сабабли ундан фойдаланишда йўлнинг таъмирлараро муддатни ошириш аниқланган.

4. Тезюрар темир йўлларнинг кўтарилиш ва тушиш участкаларида, шунингдек эгри участкаларда горизонтал силжишга қаршилиги юқори бўлган қабариқ таянч юзали темирбетон шпалнинг конструкцияси ишлаб чиқилди, шунингдек ушбу шпаладан ҳосил бўладиган вертикал зўриқишлар эпюралари яратилган. Шпала таянчининг ботиқ қисми шпала билан балласт призмасининг бир-бирига туташиш майдонини кенгайишига, бунинг натижасида зўриқишларни тенг тақсимланишига олиб келади. Бунинг натижасида йўлда бажариладиган тўғрилаш ишлари ҳажмини 2,5 баробаргача камайиши аниқланган.

5. Назарий ҳисоб-китоблар ва экспериментал тадқиқотлар натижасида шпаладан тушувчи зўриқишларни қайта тақсимлаш ва эксплуатация муддатини ошириш имконини берувчи икки қатламли балласт призмаси конструкцияси ишлаб чиқилган.

6. Тезюрар темир йўл участкаларида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида заиф грунт асосига эга бўлган баланд кўтармаларни фойдаланилаётган темир йўл участкаларида қўллаш мумкин бўлган темирбетон қозиқлар билан мустаҳкамлашнинг конструктив ечимлари ишлаб чиқилган.

7. Таклиф этилган ва ишлаб чиқилган конструктив ечимлар, фторопласт рельс ости прокладкаларни қўллаш орқали йўлни капитал таъмирлашдан кейинги капитал таъмирлаш оралиғигача бўлган муддатда бажариладиган кўтарма ва ўрта таъмирлаш, шунингдек жорий таъмирлаш ишларини бажаришга кетадиган материал сарфини ва ишчиларнинг меҳнат сарфини тежаш орқали 542,038 млн. сўмга тежаш имконини берган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТРАНСПОРТНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТРАНСПОРТНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БЕГМАТОВ ПАРДАБОЙ АБДУРАХИМОВИЧ

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТРУКЦИИ ЭЛЕМЕНТОВ ВЕРХНЕГО СТРОЕНИЯ ПУТИ И ЗЕМЛЯНОГО ПОЛОТНА НА СКОРОСТНЫХ УЧАСТКАХ ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ УЗБЕКИСТАНА

05.08.02 – Железнодорожный путь и путевое хозяйство

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за . B2019.2.PhD/T1208.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном транспортном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Научного Совета (www.tashiit.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Абдужабаров Абдухамит Халилович** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Саржанов Тайжан Садыханович** доктор технических наук, профессор (Казахстан)
	Досметов Султанбай Камалович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	**Институт АО "Узогирсанотлойиха"**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета PhD.15/30.12.2019.T.73.01 при Ташкентском государственном транспортном университете. (Адрес: 100167, г. Ташкент, ул. Темирйўлчилар, 1. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz, tashiit@exat.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер - _____). (Адрес: 100167, Ташкент ул. Темирйўлчилар, 1. Тел.: (99871) 299-05-66.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.
(протокол реестра №_____ от «_____» _____ 2021 года).

А.И. Адилходжаев
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

Я.О. Рузметов
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней , к.т.н.,

В.М. Цой
Заместитель председателя научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире ведущее место занимает повышение безопасности движения поездов на скоростных участках железных дорог, а также разработка технологий и методов, снижающих факторов, оказывающих негативное влияние на элементы верхнего строения пути и конструкции земляного полотна. В развитых странах таких как США, Германия, Франция, Япония, Китай и Россия всё большее внимание уделяется уменьшению деформаций и дефектов, возникающих в элементах верхнего строения пути и конструкциях земляного полотна на магистральных путях и локальных сетях железных дорог. Поэтому уделяется особое внимание совершенствованию методов повышения прочности и устойчивости земляного полотна в современных условиях эксплуатации железных дорог, отличающихся ростом скоростей движения поездов на скоростных участках и увеличением нагрузки на ось, а также внедрением новых конструкций элементов верхнего строения пути.

В мире для обеспечения безопасности движения поездов на скоростных железных дорогах ведутся научно-исследовательские работы, направленные на вопросы правильного выбора, проектирования и расчета элементов верхнего строения пути и конструкции земляного полотна, а также на создание элементов верхнего строения пути повышенной прочности. Одними из основных задач теоретических и практических исследований являются совершенствование методов повышения прочности и устойчивости земляного полотна; создание новых методов обеспечения устойчивости откосов земляного полотна; разработка конструктивных решений, направленных на увеличение срока службы основных элементов верхнего строения пути, содержание дороги в исправном состоянии и уменьшение объемов ремонтно-путевых работ, снижение дефектов и деформаций, возникающих в земляном полотне и верхнем строении пути.

В республике осуществляются широкомасштабные меры по развитию дорожно-транспортной инфраструктуры в направлении строительства и использования объектов железнодорожного транспорта. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2020 годы определены такие задачи, как «...строительство новых железнодорожных магистралей, ... реализация целевых программ по развитию и модернизации дорожно-транспортной, инженерно-коммуникационной и социальной инфраструктуры, ... повышение уровня электрификации железных дорог ... »[1] . При выполнении данных задач важное значение имеет выявление напряжений и деформаций, возникающих в верхнем строении пути и земляном полотне на скоростных участках железных дорог, увеличение сроков службы при их эксплуатации и

[1]Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекитан»

разработка конструктивных решений, направленных на увеличение межремонтных сроков ремонтно-путевых работ.

Данное диссертационное иследование в определенной степени служит осуществлению задач, указанных в Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № ПУ-4947 от 7 февраля 2017 года, а также № ПУ-5647 "О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственного управления в транспортной сфере» от 1 февраля 2019 года, в Постановлении № ПП-3866 «О мерах по обеспечению безопасности движения поездов по железнодорожной линии Бухара - Мискен» и других нормативно-правовых документах, касающихся этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениями развития науки и технологий в республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетных направлений республиканской науки и технологий II.«Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

